



Аллоҳга кўп сажда қилишинг керак, чунки Аллоҳга бир сажда қилсанг, Аллоҳ у туфайли сени бир даража кўтаради ва сендан бир хатони ўчиради

Маъдан ибн Абу Талҳа Яъмарийдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлолари Савбонни учратиб қолиб: «Менга шундай амални [ёки Аллоҳга энг суюкли амални] айтингки, уни қилсам, жаннатга кирайин», дедим. У индамади. Кейин яна сўрадим, индамади. Кейин учинчи марта сўрадим. У шундай деди: «Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраганман. У зот: «Аллоҳга кўп сажда қилишинг керак, чунки Аллоҳга бир сажда қилсанг, Аллоҳ у туфайли сени бир даража кўтаради ва сендан бир хатони ўчиради», деганлар». Кейин Абу Дардони учратиб қолиб, ундан ҳам сўраган эдим, худди Савбон менга айтган гапни айтди».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жаннатга киришга сабаб бўладиган амал ёки Аллоҳга энг суюкли бўлган амал ҳақида сўралди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўровчига шундай дедилар: «Намозда кўп сажда қилишни лозим тут (кўпайтир). Зеро, сен Аллоҳ учун бирор сажда қилсанг, албатта, Аллоҳ у сажда туфайли сенинг даражангни кўтаради ва бир хатоингни ўчиради».

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3732>

